
Юксак эътироф ва мукофот муборак бўлсин!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги [Фармони](#) эълон қилинди.

Фармонга мувофиқ мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, соҳада туб ислохотлар самарасини ошириш, ўқув-тарбия жараёнларига миллий ва илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчи ва талаба ёшларга илм-фан асослари, замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлган етук ва баркамол авлодни шакллантириш йўлидаги катта хизматлари, фарзандларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ соҳа фидоийлари юксак эътирофлар билан мукофотланди.

Қувонарлиси, ана шундай эътирофга сазовор бўлганлар қаторида Ўзбекистон туманидаги «Янги умид ва ишонч» оилавий болалар уйи раҳбари Мадраҳимова Дилдора Мирзаакбаровна ҳам «Соғлом турмуш» медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги жонкуяр ва фидоий инсон Дилдора Мадраҳимовани юксак эътироф билан самимий қутлаб, оилавий бахту-саодат, келгуси ишларида улкан зафарлар тилайди.

2023-09-30 15:20:46